БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 94 (5685)

23 Апрель 1985 й.

СЕШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

Баҳоси 3 тийин.

Яшасин Совет Иттифоқи Коммунистик партияси! Партия халқ билан бирлиги туфайли кучлидир! Халқ партия билан бирлиги, партиянинг раҳбарлиги туфайли кучлидир!

(КПСС Марказий Комитетининг Май Чақириқларидан).



В. И. Ленин туғилган куннинг 115 йиллигига бағишланган тантанали мажлис.

КРЕМЛДА ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС

Давримизнинг атоқли сиёсий арбоби, инсониятнинг буюк даҳоси Владимир Ильич Ленининг барҳаёт номи социал адолат ва меҳнаткашлар бахт-саодати учун музаффар кураш байроғи бўлиб қолди. Халқ оммаси билан минглаб ришталар орқали боғланган ва унинг йўлбошчиси бўлган Ленин одамларнинг минатдор хотирасида, уларнинг ишлари ва муддаоларида мангу яшайди.

Ленинизм— абадий барҳаёт назария, ҳаётни билишнинг ва ижтимоий турмушни қайта ўзгартиришнинг қудратли методи, ҳеч нарса ўрнини боса олмайдиган дастуриламалдир. Бугун биз Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг асосчиси, дунёда биринчи социалистик давлат бунёдкори туғилган кунининг 115 йиллигини нишонлар эканмиз, ўз йўлимизни марксизм-ленинизм таълимоти билан яна бир бор қиёслаб кўрамиз, эришилган натижаларга ленинча чуқур баҳо беришга, ҳозирги ишларни яхшироқ тушунишга, келажакни зийраклик билан кўришга интиламиз.

КПСС, унинг Марказий Комитети фаолияти Ленин васиятларига садоқат руҳи билан суғорилган. Партия турмушимизда қарор топаётган барча янги ва самарали натижаларни ижодий бойитиб, меҳнаткашларнинг коллектив фикри ва ғайратшижоатини энг муҳим проблемаларга, ҳал этилмаган масалаларга қаратиб, коммунистик қурилиш вазифаларини муваффақиятли амалга оширишнинг аниқ-пухта йўлларини кўрсатиб бермоқда. Мамлакат меҳнат коллективларининг куч-ғайрати беш йилликни муваффақиятли тугаллашга, КПСС Марказий Комитети 1985 йил март Пленумида ўртага қўйилган вазифаларни зарбдор меҳнат билан бажаришни таъминлашга қаратилган.

Совет кишилари В. И. Ленин туғилган кунни, Биринчи Май байрамини, Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалабанинг 40 йиллигини сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати жўш урган вазиятда кутиб олмоқдалар. Мамлакатда КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа кўлами тобора кенгаймоқда.

22 апрель куни Москвада, Кремлнинг Съездлар саройида В. И. Ленин туғилган кунининг 115 йиллигига бағишланган тантанали мажлис бўлиб ўтди. Пойтахт ва Москва областининг ишлаб чиқариш илғорлари, КПСС ветеранлари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, фан ва маданият арбоблари, Совет Қуролли Кучларининг жангчилари шу ерга йиғилдилар. Чет эл дипломатлари, хорижий меҳмонлар ҳозир бўлдилар.

Соат 17. Тантанали мажлис қатнашчилари **М. С. Горбачев, Г. А. Алиев, В. И. Воротников, В. В. Гришин, А. А. Громико, Д. А. Кунаев, Г. В. Романов, М. С. Соломенцев, Н. А. Тихонов, В. В. Шчербицкий, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, В. М. Чебриков, Э. А. Шеварднадзе, М. В. Зимянин, И. В. Капитонов, Е. К. Лигачев, К. В. Русаков, Н. И. Рижков** ўртоқларни ўринларидан туриб, узоқ давом этган гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар.

Президиумда СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Раисларининг ўринбосарлари, СССР Олий Совети палаталарининг Раислари, СССР министрлари, КПСС Москва шаҳар ва Москва область комитетларининг секретарлари, Ленин партиясининг ветеранлари, ишлаб чиқариш илғорлари, таниқли олимлар, маданият арбоблари, ҳарбий бошлиқлар, жамоат ташкилотларининг вакиллари ҳам ўтиришибди.

Тантанали мажлисни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари **В. В. Гришин** очди.

Совет Иттифоқи Гимни сарой гумбазлари остида тантанавор янграйди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари **Г. А. Алиев** «Ленин ғоялари ва ишининг тарихий ҳаққонийлиги» мавзуида доклад қилди. (Доклад бугунги тонгги газеталарда эълон қилинган.).

Доклад зўр эътибор бериб тингланди ва давомли қарсаклар билан бўлиниб турди.

Тантанали мажлис қатнашчилари ўринларидан туриб баланд руҳ билан «Интернационал»ни ижро этдилар. Сўнгра катта байрам концерти бўлди. **(ТАСС).**

ҒАЛАБА БАЙРАМИГА— МЕҲНАТ БАЙРАМИ

КПСС Марказий Комитетига Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалабанинг 40 йиллиги шарафига 1985 йил 4 май куни Бутуниттифоқ коммунистик шанбалиги ўтказиш ташаббуси билан чиққан қаҳрамон шаҳарлар — Москва, Ленинград, Волгоград корхоналари ва ташкилотлари коллективларининг митингларида қабул қилинган мурожаатлар, резолюциялар, кўпдан кўп хатлар келмоқда.

Ёркин ва қувончли байрам — Ғалабанинг 40 йиллигига саноқли кунлар қолди,— деб ёзишади москвaликлар, ленинградликлар, волгоградликлар КПСС Марказий Комитетига йўллаган хатларида. — Бу сана ҳаммамиз учун чинакам муқаддасдир, ҳар биримизнинг қалбимизда ўзига хос аксадо беради. Суронли фронт йўлларидан уруш алангаси оша ўтган, мамлакат ичкарисида куч-ғайратини аямай ишлаб, ўз меҳнати билан орзиқиб кутилган Ғалабани яқинлаштирганлар хотираси қалбларда авайлаб сақланмоқда. Мислсиз жанглар суронлари тингандан сўнг, урушдан кейин туғилганлар қалбидан ҳам шу хотиралар ўчгани йўқ. Ўтган уруш улар учун абадий жудоликнинг алами, солдатларга қўйилган ёдгорликлар сафи, уларнинг болалиги ўтган ва урушдан жароҳатланган ерлардир.

Ленин Коммунистик партияси тарбиялаган совет кишиларининг маънавий улуғворлиги жангчилар ва мамлакат ичкарисидаги меҳнаткашларнинг оммавий қаҳрамонлигида, уларнинг мардлиги ва матонатида ўз ифодасини топди, бу қаҳрамонона ишлар ҳамиша совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализмнинг битмас-туганмас манбаи, ҳар бир янги авлод учун ёркин намуна бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда.

Мана, Советлар мамлакатида қирқинчи тинч баҳор дадил одимламоқда. Тинчлик эса—меҳнат демакдир. Ватаннинг гуллаб-яшнаши, бутун инсониятнинг ёркин келажаги йўлида зўр бериб қилинган бунёдкорлик меҳнатидир. Бу йилги баҳорнинг ўзига хос хусусиятлари бор. КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил март Пленуми қарорлари меҳнат ва сиёсий активликни ошириб юборди. Мамлакатимиз меҳнаткашлари шу йил ва умуман беш йиллик планларини муваффақиятли бажариш учун, КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун бир маромда ишлаш зарурлигини, технология, план ва меҳнат интизомига қатъий риоя этиш, халқ хўжалигининг бир қанча тармоқларида йўл қўйилган қолоқликни енгиб ўтиш зарурлигини чуқур англамоқдалар.

Миллионлаб совет кишилари Ғалабанинг 40 йиллиги шарафига хотира вахтасида меҳнат жасорати намуналарини кўрсатмоқдалар. Авлодларнинг бузилмас алоқаси, халқимизнинг анъаналари давомийлиги, халқ жасоратининг улуғворлиги ана шундадир.

Ҳозирги вақтда бизнинг улуғ ғолиб халқимиз, меҳнаткаш халқимиз ҳар биримиз учун қадрли бўлган Ғалаба кунини меҳнатда янги ютуқлар билан нишонлаш фикри билан яшамоқда. —

Қаҳрамон шаҳарлар — Москва, Ленинград, Волгоград корхоналари ва ташкилотларининг коллективлари совет кишиларининг ватанпарварлик туйғуларини ифодалаб, Советлар мамлакатининг меҳнаткашларига мурожаат қилиб, уларни байрам арафасида, 4 май куни Улуғ Ватан урушида совет халқи Ғалабасининг 40 йиллигига бағишлаб Бутуниттифоқ коммунистик шанбалиги ўтказишга чақирадилар.

Москвадаги «Монометр», «Динамо», Калинин номли машинасозлик заводи, «Буревестник» бирлашмаларининг, Ленин комсомоли номли автомобиль заводининг, Биринчи давлат подшипник, Радиотехника, «Компрессор» заводларининг, Ильич номли локомотив депосининг, «Главмоспромстрой»га қарашли 20-«Мосстрой» трестининг «Главмоспромстрой материалы»га қарашли 9-ёғочни қайта ишлаш комбинатининг, пойтахтдаги бошқа бир қанча корхоналар ва ташкилотларнинг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари **шу куни текин тўла иш сменасида ишлаб бериш, энг юксак унумдорлик билан меҳнат қилиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва бажариладиган ишнинг юксак сифатли бўлишини таъминлаш мажбуриятини олдилар.**

Ленинграддаги «Киров заводи», А. А. Жданов номли «Ижор заводи», Я. А. Калинин номидаги «Скороход», ССР Иттифоқи 60 йиллиги номидаги «Фосфорит» бирлашмалари, А. А. Жданов номидаги кемасозлик заводининг, Октябрь темир йўли, «Главленинградстрой»га қарашли 16-қурилиш трестининг, «Главзапстрой»га қарашли 35-«Ижовстрой» қурилиш трестининг, «Детскосельское» ва «Ручьи» совхозлари ишлаб чиқариш бирлашмаларининг коллективлари коммунистик шанбалик куни ишлаб топилган маблағни уруш ва меҳнат ветеранлари учун госпиталлар ва касалхоналар қурилишига, уларга медицина ва маиший хизмат кўрсатишни яхшилашга, жанговар Шон-шуҳрат ёдгорлик жойларини ободонлаштиришга, Москва шаҳрида 1941-1945 йиллар Улуғ Ватан урушида совет халқининг Ғалабаси шарафига ўрнатилаётган ёдгорлик қурилишига ажратишни таклиф қилмоқдалар.

Шу куни волгоградликлар ҳар бир иш жойида энг юқори меҳнат унумдорлигига эришиш учун курашадилар. Ф. Э. Дзержинский номли завод тракторсозлари, пўлат-сим арқон ҳамда ўн бешинчи давлат подшипник заводларининг, Петров номидаги нефть машинасозлиги заводининг, А. Н. Косигин номидаги ип газлама комбинатининг ишчилари ҳам шанбалик куни учун ўзларига мажбуриятлар белгиладилар. Кемасозлар «Ульяна Громова» танкерини муддатидан олдин сувга туширишга аҳд қилдилар.

Ватанпарварлик починининг ташаббускор коллективлари шанбалик куни ўз иш жойларида — бевосита завод ва фабрикаларда, қурилишларда, илмий-тадқиқот, лойиҳа-конструкторлик ташкилотларида, транспорт, алоқа, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналарида, далаларда ва чорвачилик фермаларида меҳнат қилишга даъват этмоқдалар.

Хўжалик раҳбарлари-нинг, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг бурчи турдош корхоналар ва тармоқлар, халқ хўжалиги ҳамма бўлинмалари ва хизматларининг аҳиллик билан иш олиб боришларини таъминлашдан, ҳар бир коллектив, шанбаликнинг ҳар бир қатнашчиси учун тиғиз, конкрет топшириқларни белгилаб бериш ва юксак унум билан меҳнат қилиш учун шарт-шароит яратиб беришдан иборат.

Почин ташаббускорлари асосан тежаб қолинган материаллар ва энергетика ресурслари ҳисобига ишлашга, одатдаги кунлардагига нисбатан кўпроқ, сифати яхшироқ маҳсулот ишлаб чиқаришга чақирмоқдалар.

Шанбалик, дейилади мурожаатда, **1945 йил майида салютнинг Ғалаба залпи садоларини эшитиш насиб этмаганлар учун, қирқинчи тинч баҳорни кўрмаганлар учун, ўз ҳаётини ҳозирги ва келажак авлодлар эрки ва бахт-саодатига бағишлаганлар учун бизнинг ишчи ёдгорлигимиз бўлиб қолсин. Бу шанбалик меҳнат жўшқинлиги билан оталаримиз ва оналаримизнинг, акаларимиз ва опаларимизнинг ҳамма жойда ягона бир шиор— «Ҳамма нарса фронт учун, ҳамма нарса Ғалаба учун!» шиори остида давом этган мислсиз вахтасига муносиб бўлсин!**

Ҳар биримиз партиянинг улуғ ишига дахлдорлигимизни, Ватан қудратини мустаҳкамлаш учун масъулиятни чуқур англаб турибмиз,— ҳамма мурожаатларда ана шу фикр яққол кўзга ташланади. Совет кишилари КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил март Пленумида ишлаб чиқилган йўлни — ишда уюшқоқликни ошириш, барча куч ва резервларни дадил ва жўшқин социал-иқтисодий тараққиётни таъминлаш учун, олға қараб ҳаракатимиз суръатларини тезлаштириш учун сафарбар этиш йўлини қизғин қўллаб-қувватламоқдалар. Улар партия белгилаган режаларни муваффақиятли адо этиш учун ҳамма ишни қиламиз, деб ишонтирмоқдалар.

ХАЛҚ ХОТИРАСИДА

Жаҳон пролетариатининг йўлбошчиси, Коммунистик партия асосчиси, Совет давлатининг ташкилотчиси — Владимир Ильич Ленининг номи совет кишиларининг, бутун тараққийпарвар инсониятнинг қалбларида мангу яшайди.

Ильич таваллудининг 115 йиллиги кунида Ўзбекистон пойтахтининг ҳамма томонларидан кишилар шаҳар марказига, В. И. Ленин ҳайкали ёнига келдилар. Энг инсоний инсоннинг хотирасига меҳр-муҳаббат ва ҳурмат-эҳтиром рамзи бўлмиш янги очилган гуллар ҳайкал пойига қўйилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетидан, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советидан, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округининг Ҳарбий кенгашидан, Тошкент область партия комитети ва область ижроия комитетидан, Тошкент шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитетидан, партия, уруш ва меҳнат ветеранларидан, кўпдан кўп меҳнат коллективларидан гуллар қўйилди.

Гуллар қўйиш маросимида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари иштирок этдилар. **(ЎзТАГ).**

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА ҚАБУЛ

Улуғ Ватан урушида гитлерчилар фашизми устидан совет халқи қозонган Ғалабанинг қирқ йиллигига бағишлаб Москвада ўтказиладиган тантаналарнинг қатнашчилари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида қабул қилинди. Улар орасида Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари, ўчала даража Шуҳрат орденининг нишондорлари, 1945 йил 24 июндаги Ғалаба парадининг иштирокчилари, мамлакат ичкарисидаги меҳнат қаҳрамонлари бор.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев бу ерга йиғилган кишиларни Буюк Ғалабанинг яқинлашиб келаётган қирқ йиллиги билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан самимий муборакбод этди, уларга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, меҳнаткашларни, аввало ёшларни совет халқининг шонли жанговар ва меҳнат анъаналари руҳида тарбиялашдан иборат катта ишда янги муваффақиятлар тилади. У республика партия ташкилотининг Ўзбекистон меҳнаткашларини беш йиллик топшириқларини муваффақиятли адо этишга, КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олишга сафарбар этиш соҳасидаги фаолияти тўғрисида сўзлаб берди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари Р. Ҳ. Абдуллаева, Е. А. Айтмуротов, Ғ. Ҳ. Қодиров, В. К. Михайлов, Т. Н. Осетров, Н. И. Попов, О. У. Салимов, Ҳ. А. Шоғазатов, Т. А. Алимов, Н. М. Маҳмудова, У. У. Умаров, В. А. Хайдуров ҳозир бўлдилар. **(ЎзТАГ).**

СЎНМАС ЖАСОРАТ

Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округининг Ҳарбий кенгаши 22 апрель кўни Тошкентда уруш ва меҳнат ветеранлари учун қабул маросими ўтказди. Уларни округ қўшинлари қўмондонининг биринчи ўринбосари генерал-лейтенант Л. С. Шустко табриклади.

Қабул маросимида фашистлар Германиясини тор-мор қилиш ишига ветеранлар катта ҳисса қўшганликлари, уларнинг меҳнаткашларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш соҳасида самарали иш олиб бораётганликлари таъкидлаб ўтилди.

Туркистон ҳарбий округининг ёш жангчилари шонли жанговар анъаналарни сабот билан кўпайтирамиз, совет халқининг тинч меҳнатини ҳушёрлик билан муҳофаза қиламиз, деб ветеранларга ваъда бердилар. **(ЎзТАГ).**

МАРОКАШ ЎЗБЕКИСТОН НАМОЯНДАЛАРИНИ КУТИБ ОЛМОҚДА

РАБОТ, **20 апрель. ТАСС мухбири А. Дружинин хабар қилади:** Тошкент билан биродарлашган Марокаш шаҳрида Совет маданияти ҳафталиги ўтмоқда. Бу ерда ҳақли равишда халқ ижоди пойтахти деб аталадиган Марокашнинг ана шу кўҳна шаҳрида совет меҳмонлари — Ўзбекистон Чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқалар жамияти делегациясини кенг кўчоқ очиб кутиб олдилар. Юзлаб марокашликлар — жамоатчилик ва савдо-сотиқ доираларининг вакиллари, ёшлар, ишчилар, деҳқонлар Марокашнинг муниципиал кутубхонаси залида «Совет Ўзбекистони СССР халқларининг қардош оиласида» деган кўргазма очилишига йиғилдилар. Улар республика тарихи ҳақида, унинг совет халқи Улуғ Ватан урушида эришган ғалабаларига қўшган ҳиссаси ҳақида ҳикоя қилувчи экспозициялар билан танишдилар.

Шаҳар маъмурлари Совет маданияти ҳафталигига бағишлаб Тошкент номли майдонни очдилар. Совет делегациясининг бошлиғи Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси, республика Фанлар академиясининг президенти Пўлат Ҳабибуллаев шаҳар муниципалитетига шу кундан хотира сифатида Тошкент шаҳар халқ депутатлари Советининг совғаси — китоблар тўпламини топширди.

ЖАҲОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТАШКИЛОТИНИНГ СЕМИНАРИ

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг 22 апрель куни Тошкентда очилган иккинчи регионлараро маслаҳат-семинарининг мавзуи медицина кадрларини бошқариш системасини такомиллаштиришга бағишланди.

Маслаҳат-семинар қатнашчилари — 12 мамлакатдан келган мутахассислар, шунингдек Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Жанубий-Шарқий Осиё регионал бюроси ва Европа регионал бюросининг ходимлари медицина кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг актуал проблемаларини муҳокама қилмоқдалар ҳамда ўзаро тажриба алмашмоқдалар.

Маслаҳат-семинар очилишида СССР соғлиқни сақлаш министрининг ўринбосари Ю. Ф. Исаков нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).



БЕШ ЙИЛЛИК ИЛҒОРЛАРИ

Тошкент ўйинчоқлар фабрикасининг илғор ишчиси Дилфуза Алиева беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариб, айни кунларда 1986 йил ҳисобига меҳнат қилаяпти. Уз ишининг устаси бўлган чевар қиз мунтазам смена нормаларини ортиғи билан бажариб, ўз ҳамкасбларига ўрнак бўлаётир.

Суратда: беш йиллик ғолиби — Дилфуза Алиева.

⊙

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими Саодат Тоҳированинг номини Тошкент бадиий буюмлар фабрикаси коллективи мураббий сифатида тилга олишади. У ишлаётган попоп цехининг чеварлари мунтазам план-топшириқларини ортиқи билан бажариб келаётир. Илғорлар томонидан тайёрланган маҳсулотлар эса доимо юқори сифатли бўлмоқда.

Суратда: Саодат Тоҳирова ёш ишчи Насиба Авезовага касб сирларини ўргатмоқда.

Т. Каримов ва И. Шониғомов фотолари.



ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ

Спецдесмус деган майда сув кўкати тупроқ эрозиясига қарши курашда жуда яхши кўмакчи бўлиб қолди. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси механика ва иншоотлар зилзилабардошлиги институти билан микробиология институтининг олимлари шу кўкат асосида яратган мелиорант модда тупроққа сепиладиган суспензиядан иборатдир. Натижада майда зарраларни шамол учиришни анча камайди. Бундан ташқари майда сув кўкатининг ўзи яхши ўғитдир. Тажрибалар бунда пахтанинг ҳосилдорлиги гектар бошига 11 центнерга яқин ортишини кўрсатди.

* * *

Тошкент «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида ўриш тўқийдиган машиналарга ўрнатилган махсус датчиклар ҳар миллиметр ип ўтишини назорат этиб туради. Ҳамма маълумотлар электрон комплексга келади. Натижада маҳсулотни тайёрлаш босқичининг ўзидаёқ бракни пайқаш, тезда уни йўқотиш, ҳом ашёни тежаш мумкин бўлади. Янгиликни фабрика мутахассислари ишлаб чиқдилар.

* * *

Янги метод гидротехник иншоотлар қуришда ишлатиладиган бетоннинг пишиқлигини 50 процент оширади. Уни Ўзбекистон давлат мелиорация ва сув хўжалиги лойиҳа-қидирув илмий-тадқиқот институтининг олимлари ишлаб чиқдилар. Бетон қоришмага натрий сувли эритмаси билан аралаштирилган полимерфенол қўшилади. Бунда бетон пишиқ пластик ва бир жинсли бўлиб чиқади.

(ЎзТАГ).

• *Сиёсий докладчиларга ёрдам*

БУЮК ҒАЛАБА

Совет халқининг 1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида қозонган Буюк Ғалабасининг 40 йиллигига

Тор-мор этилган Рейхстаг устида Қизил байроқ музафарона ҳилпираганидан буён 40 йил ўтди. Халқимиз бошига илгари тушмаган энг оғир, энг кўп қон тўкилган Улуғ Ватан уруши ниҳоясига етди. Бу урушда жаҳондаги биринчи социалистик давлатнинг тақдири, бутун инсониятнинг келажаги ҳал этилган эди. Урушнинг асосий натижаси шундан иборат бўлдики, Совет халқи Коммунистик партия раҳбарлигида ўз озодлиги ва мустақиллигини, социалистик революциянинг Буюк Ғалабаларини мардона ҳимоя қилди. Европа ва жаҳон цивилизациясини фашизмдан қутқариб қолишга ҳал қилувчи ҳисса қўшди.

Ғалаба байрамини биз билан бирга қардош социалистик мамлакатларнинг халқлари, бутун жаҳон меҳнаткашлари ҳам нишонламоқдалар. Прогрессив инсоният бу ғалабада социализмнинг енгилмас кучи, унинг империалистик агрессорлар ва уларнинг шериклари хавфли кирдикорларини бартараф қилиш, инсоният бошидан янги жаҳон уруши хавфини халос қилишга бўлган қатъияти тимсолини кўради.

Бу санани синфий душманларимиз ўзларича «нишонлашга» уринмоқдалар. Улар шундай кенг кўламдаги кампанияни авж олдираяптиларки, унинг мақсади Совет Иттифоқининг иккинчи жаҳон урушидаги ролини пасайтириб кўрсатишдан, жамоатчиликка уруш оловини ёқувчи империалистлар ва ҳатто фашист қонхўрларнинг ўзларини ҳам оқлаб кўрсатишга қаратилган ўз талқинларини зўрлаб сингдиришга уринишдан иборат. Улар СССРнинг ўсиб бораётган халқаро обрўсига путур етказиш, революцион ҳаракатни сусайтириш, социалистик мамлакатлар бирлигини бўшаштириш, империализмнинг инсониятга қарши қаратилган агрессив миллитаристик моҳиятини, АҚШ ва унинг НАТО бўйича иттифоқчиларини ташқи сиёсий йўлини оқлаб ва бўяб кўрсатишга ҳаракат қилмоқдалар.

Бугина эмас, иккинчи жаҳон уруши тарихини сохталаштириш, шунингдек, Совет Иттифоқи, бошқа социалистик мамлакатларга қарши янги урушни психологик жиҳатдан тайёрлашга ҳам қаратилгандир.

Биз, совет кишилари учун эса уруш ҳали-ҳалигача ўз асоратларини сездириб турибди. Шу билан бирга бизнинг Ғалабамиз ўз социалистик Ватанимиз учун, унинг куч-қудрати ва енгилмаслиги учун чуқур миллий ифтихор туйғусини уйғотади. Ғалаба куни биз учун энг азиз бўлган байрамлардан биридир. Шу куни биз урушда ҳалок бўлган қаҳрамонларнинг ёркин хотираси олдида бош эгамиз, жангчи-фронтчиларни, фронтда ва фронт орқасида ғалабани тайёрлаган ва уни курашиб қўлга киритган, урушнинг мислсиз оғирликларини ўз бошидан ўтказган кишиларни шарафлаймиз.

Урушнинг ўша дастлабки кунлари ва ҳафталарида Қизил Армиямиз душманга шундай қаршилик кўрсатган эдики, ёвуз душман бирорта Ғарбий Европа мамлакатида бундай қаршиликка дуч келмаган эди. Июль ойининг ўрталарига келиб душман юз минг солдат ва офицерини, 1284 самолёт ва танкларининг деярли ярмини йўқотди.

Москва остоналаридаги жанг урушнинг биринчи йилидаги ҳал қилувчи воқеалардан бири бўлди.

Волга бўйидаги метин қалъа— Сталинград душман учун олиб бўлмас қўрғонга айланди. Душманнинг шиддатли ҳамласини тўхтатиб қолган совет қўшинлари ҳимояга ўтдилар, душманнинг сараланган 330 минглик группировкасини қуршаб олдилар ва тор-мор этдилар.

Сталинград бўсағаларидаги ғалаба иккинчи жаҳон урушида туб бурилишни бошлаб берди ва фашистлар блоки биносини ларзага солди. Улуғ Ватан урушидаги энг йирик жанглардан бири Курск жангидир. Курск жангидаги ғалабадан кейин стратегик ташаббус тўла совет қўмондонлиги қўлига ўтди.

Фашизмга қарши жанг қилган барча мамлакатлар ва халқлар улушини муносиб баҳолаб, айни пайтда бу курашнинг асосий оғирлиги Совет Иттифоқи елкасига тушганлигини назардан қочириш мумкин эмас. Буржуа пропагандаси қарийб қирқ йилдан буён халқлардан тарихий ҳақиқатни яширишга уринаётган бир пайтда буни билиб қўйиш, айниқса муҳимдир.

Тарихий фактлар эса буржуа сохталаштирувчиларининг уйдирмаларини тамомила рад этади. СССР кутиш сиёсатини ўтказган АҚШ ва Англиядан фарқли ўлароқ, урушнинг дастлабки кунларидан бошлаб охиригача тўла қувват билан кураш олиб борди, Совет-Германия фронти фашистлар Германиясининг асосий кучларини ўзига жалб қилиб турди. Бунда фашистлар Германияси ўзи йўқотган кучлар ва жанговар техниканинг тўртдан уч қисмини мамлакатимизга қарши урушда бой берди. Бугунги кунда Ғарбда АҚШ Совет Иттифоқига ленд-лизага кўра етказиб берган қурол-яроғнинг аҳамиятини ҳар томонлама кўпиртириб кўрсатмоқдалар. Бу қуролларнинг муайян аҳамиятини биз ҳеч қачон рад этмаганмиз, аммо статистика шундан далолат берадики, бу қурол-яроғлар Совет саноат ишлаб чиқаришининг фақат тўрт процентини ва АҚШ умумий ҳарбий ҳаражатларининг уч ярим процентини ташкил этганди.

Улуғ Ватан урушидаги бизнинг ғалабамиз — социалистик ижтимоий ва давлат тузумининг ғалабасидир. У социалистик экономиканинг улуғвор ҳаётий кучини ва афзаллигини ёркин исботлади.

Урушдаги ғалаба марксча-ленинча идеологиянинг қудратли ҳаётий кучини яққол исботлади. Юксак ғоявий эътиқод, улуғ Ленин ишининг ҳаққонийлигига чексиз ишонч Совет халқи маънавий куч-қудратининг, унинг маънавий-сиёсий жипслигининг, ватанпарварлигининг битмас-туганмас манбаи бўлиб хизмат қилди.

Фронтдаги ва фронт орқасидаги жасорат ҳамда оммавий қаҳрамонлик совет кишилари маънавий улуғворлигининг ёркин намойишига айланди.

7 миллиондан кўпроқ жангчи ва 204 минг фронт орқаси меҳнатчиси орден ва медалларга сазовор бўлди, 11,5 мингдан кўпроқ киши Совет Иттифоқи Қаҳрамони, 198 киши Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонлари билан тақдирланди. Пиёда жангчилардан А. К. Панкратов, В. В. Васильковский, А. Матросовнинг жасорати Улуғ Ватан уруши йилларида 300 мартадан кўпроқ, учувчи Н. Ф. Гастеллонинг жасорати эса 350 мартадан кўпроқ такрорланди. Урушнинг барча оғир синовлари ва даҳшатларини сабот билан енгган кўп миллатли Совет халқи Ғалабанинг бош ижодкори бўлди. Ўзбекистонликлар ҳам Буюк Ғалабани таъминлашдек умумий ишга ўзларининг ҳиссаларини қўшдилар.

Ўзбекистонлик жангчилар Брест қалъасини ҳимоя қилишда, Москва учун бўлган жангларда сўнмас жасорат кўрсатдилар. 2738 ўзбекистонлик жангчи «Сталинград мудофааси учун» медали билан тақдирланган. Машҳур Павлов уйини мудофаа этган жангчилар орасида ўзбек Турғунов ҳам бор эди. Сталинград остонасидаги жангларда Тошкент педагогика институти студенти Елена Стемповская қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Курск остонасидаги жангларда «Орловская» деган шарафли номни олган 5-ўқчи дивизия алоҳида жасорат кўрсатди. Шу дивизиянинг жангчиси шарафига Золоторевка деб номланган рус қишлоғи фарғоналик пахтакор Аҳмаджон Шукуров номи билан аталадиган бўлди. Партизан отрядларида Совет Иттифоқи Қаҳрамони М. Тошболдиев, Д. Абдурахмонов, Д. Қосимов, Т. Исломов, С. Файзиев ва бошқа довюрак юртдошларимиз жанг қилишди. Польшадаги Гданьск шаҳри учун бўлган оғир жангларда биринчи ўзбек генерали Собир Раҳимов ҳалок бўлди. Ватанимиз душманлари билан бўлган жангларда Ўзбекистоннинг ажойиб қизлари Р. Иброҳимова, З. Ғаниева, Х. Усмонова, С. Шукурова, С. Мажидова, Х. Миркаримова ва бошқалар жасорат ва қаҳрамонлик кўрсатишди.

Ватан Ўзбекистоннинг уруш йилларида ботирлик, қаҳрамонлик ва жасорат кўрсатган 120 минг ўғил-қизини орден ва медаллар билан мукофотлади. 282 киши Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди.

Ўзбекистонликлар ҳарбий хўжаликни ривожлантиришга жуда катта куч-ғайрат сарфладилар. Фронтга минглаб самолёт ва авиамотор, миллионлаб авиабомба, снаряд ва миналар етказиб беришди. 4,8 миллион тонна пахта, 1,2 миллион тонна дон етиштирдилар. Улар уруш йилларида жаъми миқдори 4 миллиард сўмдан зиёд пул, давлат заёмлари облигациялари, қимматбаҳо буюмлар ва ноёб металларни мудофаа фондига топширдилар. Душман устидан қозонилган Ғалабага тошкентликлар салмоқли ҳисса қўшдилар. Шаҳар партия ташкилотлари бошчилигида катта ҳарбий-ташкилотчилик ишлари олиб борилди, натижада ҳарбий тўғараклар, медицина ҳамширалари тайёрлаш курслари, ҳарбий хизматга тайёрлаш группалари тузилди. Йирик корхоналарда, муассасалар, районларда ҳарбий-ўқув пунктлари иш олиб борди. Коммунистлар етакчилигида шаҳар меҳнаткашларининг қаҳрамонона куч-ғайратлари туфайли 1941 йил охирига келибоқ шаҳарга кўчириб келтирилган корхоналар ва эски корхоналар ҳарбий изга асосан ўтказиб бўлинган эди.

Москва яқинидан келтирилган Чкалов номли авиация заводи уч ой мобайнида фойдаланишга топширилди. Роппароса 45 кундан кейин эса аэродромдан дастлабки самолёт фронтга парвоз қилди. Беш ой мобайнида энг йирик «Электростанок» заводи асосий корпуслари деярли янгидан қуриб бўлинди ва дастгоҳлар монтаж қилинди. Агар Запорожьедаги Днепропетровск карборунд заводи тўрт йил мобайнида қурилган бўлса, Тошкентда эса у кўчириб келтирилгандан кейин уруш шароитларида тўрт ойдан кейиноқ дастлабки карборунд бера бошлади.

Тошкент меҳнаткашлари Қуйи Бўзсув ва Фарҳод ГЭСи, Ўзбекистон металлургия заводи, Ангрендаги янги шахталар ва бошқа объектлар қурилишига катта ёрдам бердилар. Қийин шароитларга ва оғир кунларга қарамай фронт ортида ғалабага жуда катта ҳисса қўшилди. Юксак натижаларга эришишда социалистик мусобақа қудратли омил бўлди. Масалан, Октябрь революцияси номидаги заводда ишчи-коммунистлар Миркомилов, Ҳакимов, Зеленин ва бошқалар ижодий активлик намуналари кўрсатиб, ишлаб чиқариш топшириқларини икки-уч ҳисса ошириб бажардилар. «Ташсельмаш» заводида икки станокчилик ҳаракати кенг қулоч ёйди. Мастер ёрдамчиси Қодиров, участка мастерлари Личев, Бакланов, токарлар Ҳакимов, Исмоилов ва бошқа кўпгина ишчилар нормаларини 200—300 процентдан бажардилар.

Меҳнат анъаналарини ривожлантиришда, меҳнатни ташкил этишни такомиллаштиришда уруш бошларида ташкил этилган комсомол-ёшлар бригадаларидан, кенг тус олган стахановчилик ҳаракати муҳим роль ўйнади. Меҳнат коллективларида Баришникова, Агарков ва Федотовларнинг илғор тажрибалари кенг ёйилди. Улар ишлаб чиқариш технологиясининг ва уни ташкил этишнинг янги методларини таклиф этишдики, у қўшимча ишчи кучини бошқа ишларга ўтказиш имконини берди.

Интеллигенция фашизмга қарши умумхалқ курашига ўз ҳиссасини қўшди. Ёзувчилар, рассомлар ва композиторларнинг ижодий ташкилотлари ўзларининг бутун куч-ғайратларини ватанпарварлик, халқларнинг бузилмас дўстлиги руҳи билан суғорилган асарлар яратишга сафарбар этдилар. Фронт концерт бригадаларини тузишга ёрдам бердилар.

Тошкентликлар мамлакат мудофааси фондини яратиш, жанговар техника ва қурол-яроғ ишлаб чиқаришга маблағ тўплашга давлат ҳарбий заёмларига ёзилишга, жангчилар учун иссиқ кийимлар тўплашга ва бошқа шу каби ватанпарварлик ҳаракатига зўр ғайрат-шижоат билан қўшилдилар. Фақат 1943 йилнинг ўзидагина шаҳар меҳнаткашлари танклар ва жанговар самолётлар ишлаб чиқаришга 34.210000 сўм шахсий жамғарма қўшдилар.

Шундай қилиб, Тошкент Улуғ Ватан урушн йилларида Совет Армиясининг энг муҳим арсеналларидан бирига айланди. Шаҳар ишчилар синфи ва интеллигенцияси партия ташкилоти етакчилигида гитлерчилар Германиясига қарши умумхалқ курашига муносиб ҳисса қўшдилар.

Совет халқи ғалабаларининг илҳомчиси ва ташкилотчиси бўлган Коммунистик партиянинг раҳнамолиги ғалабамизнинг ҳал қилувчи манбаи бўлди.

Уруш йилларида Ленин комсомоли партиянинг содиқ ёрдамчиси эканлигини кўрсатди.

Улуғ Ватан уруши сабоқлари жуда катта аҳамиятга эгадир. Бу сабоқларнинг асосийси шундан иборатки, тинчликни сақлаш учун ҳозир курашмоқ керак.

КПСС ва Совет ҳукумати тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш, ядро урушихавфининг олдини олиш учун бутун чораларни кўрмоқдалар. Мамлакатимиз ўзининг ленинча тинчликсевар ташқи сиёсий йўлига содиқ қолиб, ер курраси сиёсий иқлимини соғломлаштириш учун зўр ғайрат кўрсатмоқда.

Шу билан бирга партия мамлакатимизнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш борасида муттасил ғамхўрлик кўрсатмоқда. «Мураккаб халқаро вазиятда, — деди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитетининг март (1985 йил) Пленумида, — Ватанимизнинг мудофаа қобилиятини ҳар қачонгидан ҳам юксак даражада сақлаш муҳимдир. Потенциал агрессорлар шуни яхши билиб қўйсинлар: Совет мамлакати ва унинг иттифоқчилари хавфсизлигига, совет кишиларининг тинч турмушига қилинадиган ҳамлага қақшатгич жавоб зарбаси берилади. Шонли Қуролли Кучларимиз бунинг учун келгусида ҳам зарур нарсаларнинг ҳаммаси билан таъминланаверади».

Тинчликни сақлаб қолиш иши мамлакат ва унинг Қуролли Кучлари иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлаш манфаатлари ишчилардан, колхозчилардан, интеллигенциядан, ҳар бир совет кишисидан сиёсий, меҳнат ва социал активликни, меҳнат унумдорлиги ва сифатини оширишни, социалистик мулкни асраб-авайлашни, меҳнат интизоми ва тартибни мустаҳкамлашни талаб этади.

Улуғ Ватан уруши қаҳрамонларининг муқаддас хотираси, социалистик она-Ватанни ҳимоя қилишда ўз жонларини фидо қилганлар, бизнинг тинч, бахтли ҳаётимизни таъминлаганлар олдидаги эзгу бурч бизни ана шунга даъват этади.

Партия ва барча совет кишилари Улуғ Ватан уруши ветеранлари тўғрисида, уларнинг соғлиғи, турмуш шароитлари тўғрисида муттасил ғамхўрлик қилишни ўзларининг юксак бурчлари деб биладилар. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети яқинда бир қатор қарорлар қабул қилдики, уларда уруш қатнашчилари ва жангда ҳалок бўлганларнинг оилалари учун қўшимча имтиёзлар белгиланди.

Шонли юбилейга тайёргарлик партия XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари тарихий қарорларини амалга оширишга, ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли амалга оширишга қаратилган совет халқи юксак сиёсий ва меҳнат активлиги вазиятида ўтмоқда.

Республика пойтахтининг саноат корхоналари коллективлари Буюк Ғалабанинг 40 йиллигини муносиб кутиб олиш учун мусобақани кенг авж олдириб реализация қилиш ва халқ хўжалиги асосий буюмлари ишлаб чиқариш ҳажми бўйича биринчи квартал планини муваффақиятли бажардилар. Йил бошидан буён планга қўшимча 15 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот реализация қилинди.

Шаҳарнинг кўплаб корхоналари меҳнат коллективларида фронт йилларидаги анъаналар: зарбдорона ишлаш, бутун куч-қувватларни ишга солиш, ишда стахановчилик усулларидан фойдаланиш янада ривожлантирилди. Мураббийчилик ҳаракатини ривожлантириш, илғорларнинг қолоқларга ёрдами катта самара беряпти. Олдинда бораётган коллективлар бригада пудрати, маҳсулотни нуқсонсиз топшириш системаси сингари илғор иш усулларидан фойдаланмоқдалар.

Ҳар бир иш жойида меҳнат интизоми ва тартибга қаттиқ риоя қилиш кўплаб меҳнат коллективлари учун қатъий қоида бўлиб қолди.

В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводи», «Ўзбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмалари ва бошқа корхоналарнинг кўпгина ишчи бригадалари шу кунларда меҳнат ғайрат-шижоати намуналарини кўрсатмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг март (1985 йил) Пленуми қарорлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIX пленуми қарорларига амал қилиб, меҳнат коллективларида янада аниқ мақсадга қаратилган иш олиб боришни, куч-ғайратни аямасликни иш манфаатлари тақозо этмоқда.

Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Буюк Ғалабанинг 40 йиллигини байрам қилишга тайёргарлик кўриш бу кучларнинг шунчаки кўриги эмас. Кенг авж олиб бораётган мусобақа жараёнида бизнинг ниималарга эришганимиз ва олға томон, янги довонлар сари муттасил ҳаракатимизда яна ниималарга эришишимиз мумкинлиги яна бир бор кўздан кечириляпти.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ТАРИХИЙ ВОҚЕА

ВАРШАВА. Фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг бу йил нишонланадиган 40 йиллиги жаҳоншумул тарихий аҳамиятга молик воқеадир. Бу ғалаба урушдан кейинги Европада ва бутун дунёда Польшанинг адолатли чегараларга эга бўлган Совет Иттифоқи ва социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатлар билан бирга социал тараққиёт йўлидан бораётган мустақил суверен давлат сифатидаги ўрнини белгилаб берди.

Буюк Ғалаба юбилейини СССР билан ПХР тўғрисидаги шартноманинг 40 йиллигини, Варшава шартномасининг 30 йиллигини байрам қилиш муносабати билан Польша — Совет дўстлиги жамияти умумпольша совети ва Польша — Совет дўстлиги жамияти бош правлениесининг қўшма мажлисида қабул қилинган қарорда шу ҳақда гапирилади.

Ҳужжатда Женевада ўтаётган Совет — Америка музокараларида СССРнинг конструктив позицияси тўла қўллаб - қувватланади, КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев илгари сурган совет таклифларининг катта аҳамиятга эга эканлиги таъкидланади.

Биз, деб уқтирилади ҳужжатда, империализм томонидан қилинаётган тахликани ҳўзда тутиб, Варшава шартномаси давлатларининг мудофаа иттифоқини бундан буён ҳам мустаҳкамлайвериш, Совет Иттифоқи билан ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

АМЕРИКАЛИКЛАР ИШОНМАЙ ҚЎЙИШДИ

ВАШИНГТОН. Америкаликларнинг 75 проценти АҚШ оммавий ахборот воситаларининг ростгўйлиги ва холислигига шубҳа билан қарамоқдалар, уларнинг бешдан бир қисми эса матбуотга, радио ва телевидениега мутлақо ишонмай қўйди. Америка газеталари редакторлари жамиятининг бу ерда эълон қилинган маълумотномасида шундай хулоса чиқарилган.

Жуда кўпчилик америкаликлар матбуотни «халқнинг кундалик эҳтиёжларини тушунмайдиган ва давлат мандларга хайрихоҳ бўлган «орган» деб ҳисобламоқдалар. Натижада оммавий ахборот воситаларига аҳоли ўртасидаги ишонч муттасил камайиб бормоқда. Шунинг оқибатида газета ўқийдиган америкаликлар тобора камайиб бормоқда.

Йўқсил америкаликлар ва майда миллатларнинг вакиллари Американинг «эркин матбуоти»га энг кўп ишончсизлик билдирмоқдалар. «Улар,— деб уқтиридилар ҳужжатда, — матбуот бойларга хушомад қилмоқда, деб айтмоқдалар, шунингдек, улар матбуот, радио ва телевидение хабарларида нохолисона гаплар ҳаддан ташқари кўп, деб ҳисоблашга ҳам тобора мойилдирлар». 18 дан 24 ёшгача бўлган америкалик йигит-қизларнинг ўз оммавий ахборот воситаларига ишончи тобора камайиб бораётганини маълумотнома муаллифлари айниқса ташвишли бир ҳол деб ҳисоблайдилар.

ЗАНГОРИ ЭКРАНЛАР ЁҚИЛМОҚДА

КОБУЛ. Афғонистоннинг ғарбидаги Фарах вилоятида янги телевизион марказ ишга тушди. Яқинда Хост округининг (Жануби — Шарқдаги Пактиё вилояти) аҳолиси ҳам яхши совға олди. Бу ерда ишлай бошлаган телевизион станция умумий таълим программаларини, ахборот ва бадиий программаларни кўрсатади.

Қобул телемаркази кам қувват бўлганлигидан у шаҳар миқёсидагина программаларни барқарор кўрсата олади. Реконструкция қилишдан сўнг мамлакатнинг бош телемаркази Қобул вилоятигагина эмас, шу билан бирга ретрансляторлар системаси орқали АДРнинг бошқа районларига ҳам программалар кўрсата бошлади. Ҳозир кечқурунлари Демократик Афғонистоннинг кўпгина вилоятлари: Ғазна, Қандаҳор, Ҳирот, Нанғарҳор, Файзобод ва бошқа вилоятларининг хонадонларида зангори экранлар ёқилмоқда.

ПРИНЦИПСИЗЛИКНИНГ НАВБАТДАГИ ДАЛИЛИ

БЕРН. Фойда ҳақида гап боранида, ғарбнинг молиявий корчалонлари нақадар принципсизлигидан далолат берувчи яна бир факт ошкор бўлиб қолди. Бу ерда маълум бўлишича, Иккинчи жаҳон уруши йилларида Швейцария миллий банки нацистлар оккупация қилиб олинган мамлакатлардан олиб кетган ва қамоқ лагерларининг маҳбусларидан тортиб олган тиллани гитлерчилар Германиясидан сотиб олган.

1939—1945 йилларга оид молиявий ҳужжатларнинг бир қисмини эълон қилган шу банкнинг бюллетени шу давр мобайнида Германиянинг марказий банкидан Швейцариянинг миллий банкига 1.638 франки миқдорида асил металл тушган. Унинг 1.209 миллиард франкли қисмини Швейцария миллий банкининг ўзи сотиб олган, қолган қисми нацист банкирлар ихтиёрида бўлган. Статистика маълумотлари шу бойликнинг кўпчилик қисми гитлерчилар Германиясининг банкига тегишли бўлмаганини яққол кўрсатиб турибди. Унинг ўз маълумотларига қараганда, Иккинчи жаҳон урушн арафасида гитлерчилар Германияси банкининг миллиард швейцар пўлат сандиқларида атиги 122 миллион франк тилла бор эди. Швейцария миллий банкининг ертўлаларига жойланган олтининг қолган қисмини гитлерчилар жазо операцияларн вақтида ўмариб келган эдилар.

Германия марказий банкининг вице-президенти Эмиль Пулнинг 1945 йилда нкрор бўлиб айтган ва бюллетенда эълон қилинган гапига қараганда, Швейцария миллий банкининг раҳбарларн Германиядан ҳарид қилган тилланинг «ҳаммаси ҳам» «Германиянинг урушдан олдинги запасларига даҳлдор эмаслигини» яхши билганлар.

«Матэн» газетасининг уқтирнб ёзишича, Иккинчи жаҳон урушн йилларида Швейцарияга Польша, Бельгия ва Франциядан гитлерчилар асил металл олиб кетганликларн тўғрисидаги, улар ўзларининг кўпдан-кўп қамоқ лагерларнин «олтин чиқарнш» манбаларига айлантирганликлари ҳақидаги ишончли маълумотлар топширилган эди. Бу олтин қайта эритилиб, урушдан аввалги тамға босилган. Бироқ, Швейцария банкининг «мулпажирнинг бўлса бас» деган гапга сажда қилувчи доираларн буни билиб билмаслнкка олганлар.





ГЕРМАНИЯ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ. Мамлакатда фашистлар устидан қозонилган Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Немис антифашистларн қаршилик ҳаракатининг қатнашчилари билан учрашувлар тез-тез ўтказиб турилибди.

67 ёшли Ина Лаутеншлэгер-Эндер — «Қизил капелла» номли антифашистик ташкилотнинг актив аъзоси бўлиб, 1938—1942 йиллар давомида фашистларга қарши кураш олиб борган кўплаб немисларнинг бирндир. Оддий ҳайкалтарош ва бнчиқчининг қизи бўлган Ина ёшлигидан бошлаб тараққнйпарвар ташкилотлар билан алоқа боғлайди. Берлиндаги йирик аёллар киймм салонининг ҳизматчиси сифатида у Германия армнясининг ҳаракатн ҳақида муҳим маълумотларнн тўплаб боради. Аммо жасур қизнинг яшнрин ҳаракатн фашистларга аён бўлиб, у қамоққа олинади. 1945 йилнинг 7 май куни Ина Совет Армняси томонидан озод қилинади.

СУРАТЛАРДА: Ина Лаутеншлэгер-Эндер ҳозир ва уруш йилларида.

2 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

23 АПРЕЛЬ, 1985 й.

БИЗНИНГ ФОТОАРХИВИМИЗДАН

• Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги олдидан

ГАВҲАРХОНИМНИНГ ЖАНГОВАР АНСАМБЛИ

Санъаткорлар—фронтда





Улуғ Ватан урушн даврида ўзбек санъаткорларидан тузилган бадиий группалар ичида Ўзбекистон ССР халқ артисти, Қизил Юлдуз ва «Ҳурмат Белгиси» орденлари кавалери Гавҳар Раҳимова бошчилигидаги аёллар ашула ва рақс ансамбли алоҳида ўрин тутган. Ансамбль коллективи фронтдаги жангчиларга маданий хизмат кўрсатиш, уларнинг жанговар кўтаринкилигини, ғалабага бўлган ишончини мустаҳкамлашга муносиб улуш қўшган. Мухбиримиз мазкур ансамблининг раҳбари, ҳозир Ўзбекистон ССР Театр жамияти ветераплар совети қошидаги фронт бригадалари секциясининг раиси Г. Раҳимова билан суҳбатлашди.

— Ҳурматли Гавҳар опа! Ансамблнинг ташкил этилиши ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Маълумки, Улуғ Ватан урушининг оғир йилларида немис-фашист босқинчиларини Ватанимиз тупроғидан улоқтириб ташлашда шижоат кўрсатган аскарларимизга маданий хизмат кўрсатиш учун қатор бадиий группалар ташкил этилиб, улар фронтдаги концерт программалари билан жангчиларни мамнун этдилар. Ана шу ансамблар қаторида аёллар рақс ва ашула ансамбли ташкил қилиниб, бу коллективга мен раҳбар этиб тайинландим. Ансамблимиз ўзининг биринчи фронт гастролини 1944 йилда 2-Украина фронтида бошлади. Бу пайтга келиб урушда ҳал қилувчи ташаббускорлик Қизил Армия томонида эди. Жангчилар коллективимизнинг чиқишларини мамнуният билан кутиб олдилар. Бир томонда жанг кетаётган бўлса-ю, бир ёнда рақс тушсанг қизиқ туюларкан одамга. Лекин, барибир, аскарларнинг кўнглини кўтариш биз учун муҳим эди. Шунинг учун фронтдаги гастролимиз бизнинг жанговар вазифамизга ҳам айланганди.

— Уша пайтда айтган ашулаларингиз эсингиздами?

— Ҳали ҳануз эсимда— «Дилхирож», «Жонон» халқ ашуласи, тожикча «Ҳасанжон», «Омон қайт», «Ул париваш», «Гардуни сегоҳ», «Олмишам» сингари рақс ва ашулаларни фронтдаги масъулиятимизни чуқур англаган ҳолда чин дилдан ижро этганмиз. Албатта, фронтда ашула айтиш ёки рақс тушишнинг ўзи бўлмайди. Коллективимизда ёшлар ҳам бор эди. Бундай ўйлаб қарапса ўн беш ёшли ўзбек қизининг фронт талотумида қўшиқ айтишининг ўзи қаҳрамонлик. Мен бу ерда талантли раққосамиз Эргашхон Мирзаевани назарда тутяпман. У билан урушдан кейин ўтган давр мобайнида кўришмагандик, мана, яқиндагина биз қайта топишдик.

— Фронтда ашула айтиш ёки рақсга тушишнинг ўзи бир жасорат. Айтингчи, ўшанда қўрқув ҳиссини ҳам бошдан кечирганмисиз?

— Ия, нега қўрқар эканмиз! Атрофда ўзимизнинг қаҳрамон солдатлар, шижоаткор аскарлар бизни олқишлаб турар экан-у, биз қўрқар эканмизми?! Бизнинг битта ниятимиз бор эди: бу ҳам бўлса тезроқ Совет Армиясининг ғалаба қозонишини кўриш бахтига муяссар бўлмоқ! Шу ният йўлида, ҳатто фронтнинг олдинги чизиқларида концерт қўйиб беришга ҳам рози эдик.

— Фронт гастролларингиз қанча муддат давом этган?

— Биринчи гастролимиз 1944 йилнинг декабрь ойида ниҳоясига етди. 1945 йилнинг январь ойида эса ансамблимиз билан яна фронтга отландик. Бу сафар 1-Белоруссия фронтига бордик. Маршал К. К. Рокоссовский кўмондонлигидаги бу фронтда бўлаётган қаҳрамонликлар бизга маълум эди. Шу ерда, 2-зарбдор гвардия армияси составидаги генерал Собир Раҳимов дивизияси жангчиларига концерт қўйиб беришимиз керак эди. Ансамблимиз билан бирга бу фронт аскарларига Узбекистондан бир вагон совға-саломлар ҳам олиб борганмиз. Жун пайпоқлар, қўлқоплар, мева-чева, оддий сигаретдан тортиб совунгача, хуллас аскарлар кўнглини кўтариш учун нимаики лозим бўлса, ўзимиз билан бирга олган эдик.

— Собир Раҳимов сизларни қандай қарши олди?

— Бизлар борганда генерал Собир Раҳимов команда пунктида экан. Унинг олдига мени генералнинг адъютанти Леонид Юсупов бошлаб борди. Тошкентлик генерал ансамблимизни катта хурсандчилик билан кутиб олди. Нега деганда, яна бир кундан кейин улар ҳужумга киришн керак экан. Шунинг учун ҳужум олдидан солдатларга концерт қўйиб беришимиз улар учун янада қувончли бўлди. Буни қарангки, биз борган кун кечаси белгиланган шаҳар ишғол қилиниб, аскарларимиз билан ғалаба нашидасини баҳам кўришга муяссар бўлдик.

— Гавҳар опа! Сизга Қизил Юлдуз орденини маршал Рокоссовский-нинг шахсан ўзи тақдим этган, дейишади...

— Ҳа, тўғри. Бу 1945 йилнинг 15 сентябрь куни эди. Уша куни қувончим совет халқи немис-фашист босқинчилари устидан қозонган Буюк Ғалаба шодликлари билан қўшилиб бир дунё бўлган эди. Ҳанузгача маршалнинг ўша кунги мағрур ва ғолибона ҳолати кўз олдимда турибди. Ансамблимиз фронтдаги гастроллар давомида жами 1500 марта концерт қўйиб берган. Бу шубҳасиз, бизнинг Буюк Ғалабага қўшган муносиб ҳиссамиздир. Ҳозирги кунда— совет халқи Буюк Ғалабанинг 40 йиллигини нишонлашга тараддуд кўраётган фарахбахш лаҳзаларда ўша кунларни эслаб, айниқса, қувонасан киши. Урушда қурбонлар кўп бўлди, албатта. Лекин Ватан озодлиги ҳар нарсадан муҳимроқ эди. Шунинг учун бизнинг армиямиз ғалаба қозонди.

Зеро, жамиятимизда яшаётган ҳар бир киши бугунги тинч, мусаффо осмонимизнинг, фаровон ҳаётимизнинг қадрига етмоғи керак! Уруш қурбонлари хотираси олдида биз ҳамиша бурчлимиз. Ватанимиз олдидаги бурчимиз ҳам худди шундай.

Суҳбатни С. САИДОВ ёзиб олди.

СУРАТДА: Ўзбекистон ССР халқ артисти Гавҳар Раҳимова ва биринчи ўзбек генерали Собир Раҳимов. Польша, 1945 йил, март.

ТУГАЛЛАНМАГАН ПОРТРЕТ

РОМАНДАН БОБЛАР

Александр ЧАКОВСКИЙ



● **Александр Чаковский** —таниқли совет ёзувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони. Адибнинг «Қамал», «Ғалаба» романлари кенг китобхонлар оммасига яхши маълум. Унинг асарлари ўткир публицистик руҳи билан ажралиб туради. «Тугалланмаган сурат» романи адибнинг янги асари. Унда тинчлик, давлатлараро ҳамжиҳатлик ғояси олға сурилади.

Ёзувчининг ушбу романи Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги арафасида оқшомхонларга муносиб туҳфа бўлади, деган умидда ундан айрим бобларни эълон қилмоқдамиз.

—1—

Президентнинг «Муқаддас сигир» самолёти Саки аэропортига қўнаётганида Рузвельт хаёлга толди: «Қалай бўларкин! Техронда бўлганимизда Сталин биринчи кунёқ ҳузуримга келган эди, бу галчи!..»

Сталин бу гал келмади ва келиши ҳам мумкин эмас эди. Президент ва Англиянинг бош министри Ялтага учинчи февралда келишди. Сталин самолётни эса 4 февралда қўндн.

Майк Рилли аэродромда Рузвельтга бундай деган эди: — Америка делегацияси учун учта саройдан энг сараси — Ливадия саройи ажратилипти, президентни уриптирмаслик учун ҳамма ймғнлишлар ана шу саройда ўтказилар экан.

Дарвоқе, бу гапларни Рилли кейинчалик, машинада Ялтага кириб келишаётганида айтди шекилли...

—2—

Ҳозир эса президент «Муқаддас сигир» самолётининг фюзелятжига ўрнатилган кичкина лифт кабинасида унн ерга туширишганини эслади.

Йўқ, бундай бўлмади чоғи. Самолёт қўниш чизиғи бўйлаб бораётганида адмирал Брауидан, Черчилль етиб келдимм, деб сўраганида у самолёт бортида олинган маълумотларга қараганда Черчилль тушган самолёт ява 16—20 минутдан кейин қўниши лозим, деди. Рузвельт Англия бош министри учиб келмагунча, ерга тушмасликка қарор қилди, кутиш маросимини икки марта ўтказиш русларга оғир ботмасмикин деган андишага борди. Самолёт дарчасидан қараса-ки, мўйна қулоқчин кийган Молотов қор тушган майдонда турибди.

Аэродромда изғирин, Молотов ёнида турган Стеттиниус ва Гарриман ҳам аксига олиб енгил ки-

—3—

йинишган экан.

...Президент лифтда ерга тушганидан кейин, Майк Рилли уни «Жип» машинасига ўтказиб қўйди. Машина фахрий қоровул ёнидан аста ўта бошладн. Черчилль машинанинг металл тутқичига қўлини қўйиб салмоқлаб қадам ташлаб борарди.

Яна қўл олишиб кўришувлар... Молотовнинг қутлов сўзлари. Шундан кейин Америка давлат гимни янграб кетди... Кетидан оркестр «Худованди карим, қиролни ўз паноҳингда асра» куйини, яъни Британия гимнини чалди. Рузвелт Молотовга қараб, «Қўшма Штатлар гимни қиёмига етказиб чалинди, Америкапинг ўзида ҳам бунчалик соз ижро этиша олмайди», деди...

Шундан кейинчи!...

Президент Анна билан бирга-ликда бошқа машинага — Американинг «Паккарт» типидаги автомобилига чиқишди.

—4—

Илон изи бўлиб кетган узундан узоқ асфальт йўл. Нихоят машина вайрон бўлган Ялта кўчаларига кириб келди. Қош қорайиб қолган бўлса ҳам, президент бомбардимон вақтида вайрон бўлган иморатларни илғаб олди. Кўп ўтмай Ливадия саройи олдида тўхташди. Катта қўш дарвоза очилганида, ичкаридан чиққан ёруғлик президентнинг кўзини қамаштириб юборди...

Шундан кейин Приттиман президентни колясканга ўтказди ва Рузвельт саройининг биринчи қаватидаги ҳамма хоналарга бирма-бир кириб томоша қилиб чиқди.

Рузвельт албатта бир «сир»дан воқиф эмас эди. Президент келгунга қадар уч ҳафта мобайнида кеча-ю кундуз бу ерда бинокорлар ва таъмирчилар қора терга тушиб ишлашди, ганч-нақшлар тикландн. Москвадан келтирилган мебель жой-жойига қўйилди. Сарой йўлларн тозаланди.

—5—

— Дўстимиз Уинстон қаерда жойлашди экан,— деб сўради у Приттимандан.

— Рус графининг қўрғонида... Фамилияси қуриб кетгур нима эди!.. Ва-рен-зоф бўлса керак.

Бу фамилия Рузвельтга нотаниш эди. Агар Приттиман граф фамилиясини тўғри талаффуз этиб «Воронцов» деганида ҳам Рузвельт унинг кимлигини билолмаган бўлур эди.

— Руслар-чи! Сталин қаерда, —сўради президент.

— Бунн ҳам билдим. Улар «Юсупофф» саройида.

Юсупов фамилиясн Рузвельтга таништдек туюлди. Ҳа, дарвоқе, Юсуповлардан бири Распутинни қатл этишда қатнашган.

— Менинг ожиз фикримча, сэр, сизнинг резиденциянгиз энг ҳашаматли саройда.

— Эй, яратган эгам! — бугунги кўрганларни эслаб ҳаёл сурар-

—6—

ди президент, — бунчалик оқибат, бунчалик ғамхўрликни мен ҳатто Америкада ҳам кўрмаганман-ку! Энди ҳамма гап Сталинда. ...Президентнинг кўз ўнгига фикран конференциянинг мажлислар залн келди. Унинг дийдаси рўпарасида мана, Сталин, Молотов, Громнко, Майский, Гусев бу томонда эса Черчилль, Иден ва унинг ўринбосари Кадоган; у четда турнб ўзини ҳам, Голикинсни ҳам, Стеттиниус, Леги, Гарриман, Бирнс ва Боленларни кўргандай бўлди.

Айтганча, булар хаёлига кейинчалик келди. Рузвельт Ливадия саройининг хоналарини айланиб чиқар экан, мажлислар залига кирилади ган эшикни очиб кўрмаган эди. Кўнглига айқаш-уйқаш фикрлар келиб бу эшикни очмади. Сталин йўлкнгида залга кириш андишасизликдек туюлди унга. Сталин эса эртага келади. Демак, сабр қилмоқ керак. Ҳо-

—7—

змр эса...

Рузвельт коляскани кенг дераза олдига силжитди, гавдасини бир оз эгиб дераза пардаларини бироз четга сурди.

Сарой чоғроқ тепаликка қурилган бўлиб, унинг пойнга денгиз тўлқинлари урилиб турарди.

Рузвельтнинг жон-у дили бўлган денгиз! Денгизни кўриб у ёшлигини қўмсар, президент ўша кезлар қулоч ёйиб сузишни севар, елканли қайиқ спортн билан машғул эди...

...Оҳ ўша дамлар! Шу топда президент ҳарбий денгиз министрининг ёрдамчиси бўлиб ишлаган йилларини эслади. Денгиз унинг назарида абадият рамзи, жўш уриб турган ҳаёт рамзи! Денгиз пўрталарн бўш-баёв сузувчи ва уқувсиз денгизчи учун хавфли, у баъзан одамни ютиб юборгудек; гоҳида эса, осойишталик ва файзу каромат тимсолидай. Рузвельт жилваланиб турган кўз илғамас денгиз сатҳига тикилркан, хаёл сурди. «Ана шу сокин денгиз қирғоғида мана ҳо-

—8—

змр тарихий учрашувга йнғилиб турибмиз. — Табиатдаги сокинлик ва улуғворлик яхши. Ҳаётдачи! Рузвельт ўзини-ўзи койди; Мана Черчилларнинг қилмиши: у Англия — Америка қўшинлари руслардан илгари Берлинга кириши ўйлайди. Польшага эса ўзи «бўрдоқига» боқаётган муҳожирликдаги «ҳукуматим» суқиштирмоқчи. Мен ҳозиргача ҳам Сталиндан Совет Иттифоқининг Японияга қарши уруш очиши хусусида ёзма кафолат олганим йўқ.

(Давоми бор).

Редактор Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ.

3 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

23 АПРЕЛЬ, 1985 й.

Журналларнинг янги сонларида

«МУХБИР»— «КОРРЕСПОНДЕНТ»

«Совет Узбекистони» газетаси ва Ўзбекистон Журналистлар союзи нашри — «Мухбир» — «Корреспондент» журналининг навбатдаги тўртинчи сони нашрдан чиқдн.

Журнал Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисидаги информацион билдириш билан очилади. Журналда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретарн ўртоқ Михаил Сергеевич Горбачевнинг автобиографияси берилган.

Бу сондан «Бутун билим ва маҳоратимизни ишга солайлик» сарлавҳали бош мақола ўрин олган. «Абадий барҳаёт» сарлавҳали фоторазворот В. И. Ленин таваллудининг 115 йиллигига бағишланган.

«Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига» рубрикаси остида Б. Вильчекнинг «Газета жангга кирди», «Чортоқ ҳақиқати» газетасининг редактори М. Маъмуровнинг «Фронт газетаси саҳифаларида Наманган» ва филология фанлари кандидати, доцент Ғ. Ғофуровнинг «Қаҳрамонлик саҳифалари» сарлавҳали мақолалари босилган.

Журналнинг «Практика» бўлимида «Ташкентская правда» газетаси масъул секретарининг ўринбосари Г. Чербакованинг «Журналистнинг қаламн табиатнн муҳофаза қилишга қаратилсин», филология фанлари кандидати Ф. Мўминовнинг «Асосий сабабларни аниқлаб», «Янгийўл» район газетасининг редактори М. Пейсеновнинг «Партиявий раҳбарлик самарасн», филология фанлари кандидати Н. Саъдуллаевнинг «Дўстлик ва ватанпарварликни улуғлаб» мақолалари ўрин олган.

«Ўзбекистон ишчи ва қишлоқ мухбирларн V съездининг Мурожаатномасига жавобан» рубрикаси остида Е. Овруцкийнинг «Область ишчи ва қишлоқ мухбирларининг вазифалари», П. Эргашевнинг «Мухбирлар—телевидение ва радионинг таянчи», Р. Юсуповнинг «Мен газетага қандай ёрдам беряпман», Н. Қодировнинг «Навқирон қалб эгаси», Л. Спиридоновнинг «Асосий ўрин —бош мухбирга» сарлавҳали мақола ва лавҳалари босилган.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор О. Эшоновнинг «Бухоро турмуши» журнали саҳифаларида» сарлавҳали мақоласи «Совет» матбуоти тарихидан» рубрикаси остида берилган.

Журналда, булардан ташқари, «Изланиш» клуби», «Хроника» ва бошқа рубрикалар остида бир неча материаллар ва фотолар ҳам босилган.

ҲАМШАҲАРЛАР, СИЗЛАР УЧУН!

Ишчиларга қулайлик

Агрегат заводи ёнида «Хизмат — беминнат» фирмасининг озиқ-овқат магазини қурилиб фойдаланишга топширилди. Қурилиш ишларини республика савдо министрлигига қарашли ремонт қурилиш Бош бошқармасининг Григорий Кожнов бошлиқ бригадаси олиб бордилар.

Магазин озиқ-овқат бўлимн, 48 ўринли кафетерий ва буюртмалар столидан иборат. Бу магазин асосан завод ишчи-хизматчиларига хизмат қилади.

Ҳ. ИНОҒОМОВ, ишчи.



• Санъатнинг сеҳрли олами

ИСТЕЪДОДЛАР КАМОЛ ТОПМОҚДА

Болалик дунёси рангбаранг. Мурғак қалб қамрови кенг ва бепоёндир. Уларнинг беғубор хаёллари олам кезади. Ҳар онда ер шарини айланиб чиқишга ҳам қодир. Ана шу беғубор болаликни асраб-авайлаш, камол топтириш бутун инсониятнинг бугуни кундаги энг муҳим вазифасидир.

Совет болалари партия ва ҳукуматимизнинг доимий ғамхўрлиги билан вояга етишмоқда. Уларнинг ҳар томонлама камол топиши учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Ўғил-қизларимиз учун билим даргоҳларининг эшиклари доимо очиқ. Шу билан бирга ёшлар ўз билимларини турли-туман тўгаракларда бойитишмоқда. Тошкентдаги биринчи космонавт учувчи аёл В. Н. Терешкова номли 118-мактабда ўқувчиларнинг тасвирий санъатга бўлган қизиқишларига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу ерда ёшларнинг сеҳрли санъат оламига бўлган муҳаббати эъзозланиб, уларнинг камол топиши учун етарли шароит яратилган.

—Уқувчиларнинг расм чизишга бўлган ҳавасини,— дейди мактабнинг тасвирий санъат фани ўқитувчиси Г. Т. Белошношкин,— янада ўстиришга ҳаракат қилаяпмиз. Шу боисдан ҳар бир дарснинг қизиқарли ва жонли ўтишига алоҳида эътибор берилади. Қўшимча тўгарак машғулотлари уюштирилган. Айниқса, ўқувчиларнинг расм чизишига шароит яратилган.

Мактаб ўқувчиларининг фашистлар Германияси устидан қозонилган Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган тематик расмлари алоҳида таҳсинга сазовордир. Чунки бугунги кунда тинчлик энг долзарб мавзу бўлиб, ўқувчилар қалбидан ҳам чуқур ўрин олган. Шу боисдан мурғак қалблар ўз чизмаларида совет солдатининг унутилмас жасоратини тасвирлади Буюк Ғалабанинг осонликча қўлга киритилмаганлиги ҳақида ўз фикрларини ифодалашга уринишади. Шуни айтиш керакки, бу борада илк ютуқлар ҳам қўлга киритилаётир.

Мактаб ўқувчиларн чизган суратлар ўз тенгдошлари ўртасида ўтказилаётган район, шаҳар, область, республика конкурсларида юқори баҳоланмоқда. Яқинда болалар расми бўйича Швейцарияда ўтказиладиган халқаро кўргазмага суратлар сараланди. Шуни айтиш керакки, бу ўзига хос халқаро кўргазмага мактаб ўқувчиларининг 18 та иши танлаб олинди. Бу суратларни мактабда таълим олаётган 12 ёш рассом чизган. Улар аъло ўқиш билан бирга бўш вақтларида қўлларига қалам олиб, ўзларини қизиқтирган темалар бўйича мушоҳидаларини қоғозга туширишади. Мактаб ўқувчиларининг кўпчилиги Тошкент тўқимачилик комбинатининг Гагарин номли маданият саройи қошидаги расм студиясига қатнашади. Улар бу ерда ўз билимларини янада мустаҳкамлаб, тажрибали педагоглар раҳбарлигида расм чизиш сирларини пухта эгаллашмоқда.

И. УСМОНОВ.

* * *

СУРАТДА: мактабнинг 6-синф ўқувчилари Ойгул Нуршина ва Света Петровалар. Бу ёш рассомларнинг асарлари республика кўргазмасида намойиш этилган.

В. Бектуганов фотоси.

● ИЛМ-ФАН — ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА

КАНОПНИ ЯНГИЧА ЭКИШ

Ўзбекистон луб экинлари тажриба станциясининг олимлари ишлаб чиққан каноп парваришн янги технологияси унинг ҳосилдорлигини анча оширади. Олимлар канопни офтоб яхши иситадиган пушталарга экишни таклиф қиладилар.

Ўтказилган тажрибалар бундай экиш усули канопнп ўсишини анча тезлаштириб, ҳосилдорликни гектар бошига 4 центнер оширишини кўрсатмоқда.

(ЎзТАГ мухбири).



Клуб советининг раиси халқаро гроссмейстер Г. Аъзамов

МАНТИҚ КУЧИ

Беш карра жаҳон чемпиони М. Ботвинникнинг учрашувларидан бири бор-йўғи 12 юришда тугаган. Бундай қисқа олишув 1935 йилги иккинчи Москва халқаро турнирида юз берган. Унинг ҳарифи гроссмейстер Шпильман фарзинини барвақт ўйинга чиқариб, битта отн билан ҳужум бошлаган эди. Ботвиннпк бундай мантиққа хилоф ўйиндан фойдаланиб, рақибини дебютдаёқ таслим бўлишга мажбур этган.

Шахматчиларнинг учрашувларини кузатаётиб, дастлабки юришлар одатда тез қилинишини кўриш мумкин. Улар олдиндан ўйлаб кўрилган, тўғрироғи, ўйловчи бу дебют назариясини пухта биладн. Дебют тугашн билан эса ҳарифлар узоқ ўйга ботиб қоладилар. Юзага келган ҳолатнинг яхши ва ёмон томонларини чамалаб шахматчилар умумий йўналишни, яъни ўйин планини белгилайдилар.

Бошқача айтганда, шахматчи тафаккурининг мантиқи доимо уйғоқ, «назорат» остида бўладн. Ҳар бир ҳаракатда хнёл сустликка йўл қўйиш — ташаббусни бериб қўйиш демак.


Буюк немис шоири Гёте шахматни ақл тошн деб атаган. Ҳақиқатан ҳам, шахмат курашидаги мантиқ ва диалектика нафақат ажойиб гимнастика, балки инсон ақлий кучининг ўзига хос синови ҳамдир.

Шахматнинг нимаси кишини кўпроқ ўзига тортади!

— Комбинация! — деб жавоб берсак янглишмасак керак. Ҳавасқорларга эстетик лаззат бағишловчи комбинацнялар осонликча юзага келмайди, албатта. Комбинация (кўпинча қурбонлар билан боғлиқ мажбурий вариант) кўмагида ғалабага ёки қийин позицияда дурангга эришган шахматчи қувончининг чеки бўлмайди. Уни таҳлил қилувчи мухлислар ҳам «бир қоп семкрадилар».

Комбинацияннинг мазмуни, унинг сеҳрли жозибаси нимада!

Битта конкрет мисол келтирамиз.



Бу вазнят машҳур шахматчилар немис И. Цукерторт билан инглиз Д. Блэкберн ўртасида бир кам юз йил муқаддам ўйналган бир партияда қораларнинг 22-юришидан кейин вужудга келган. Шу ерда оқлар — Цукерторт узоқ ва пухта ҳисобланган фарзнн қурбонн билан боғлиқ комбинацнянн амалга оширган:

23. f5 Ke4 24. C:e4 de 25. fg Лc2 26. gh + Крh8 27. d5 + e5 28. Фb4! Л8c5 29. Лf8 + ! Кр:h7 30. Ф:e4+ Крg7 31. C:e5+Крf8 32. Cg7+!! қоралар таслим бўлдн.

Бу ўйиннинг якунловчи қисми бизда ўчмас таассурот қолдиради. Энди диаграммадаги позицияга назар ташлайлик. Оқлар ҳнёл афсалинкка эга: уларнинг сипоҳларн актив жойлашган, бунинг устига қора шоҳнинг позицнясн ҳужум бошлашга имкон туғдирмоқда.

Сиз, азиз дўстлар, шу комбинацняни яхшилаб таҳлил қилиб чиқинг ва кўрсатилмаган варнантларнн изоҳлаб уни редакцняга йўлланг. Энг тўғри шарҳларнинг авторларн газетада эълон қилинади.

СССР спорт мастери М. МУҲИДДИНОВ тайёрлаган.

Владимир РОГЛЕНА, Чехословакия.

НОШУКУРЛИК

Тун. Праганнинг тнм қоронғи тунн. Малостранский майдоннинг қоқ ўртасида, ёлғиз машина ва унинг ёнида ҳайдовчиси қаққайиб турардн.

Кеч қайтаётган Гапочка ҳайдовчи ёнига келиб:

— Такси-ми!— деб сўрадн.

— Йўқ! Менинг шахсий машинам, уни ўт олдиролмаяпман. Юргазишга ёрдамлашиб юборсангиз, сизни олиб борнб қўярдим.

— Ажойиб иш бўлардида!— жавоб бердн Гапочка ва елкаси билан кучнинг борича машина багажнигидан нтара бошладн. Машина жойидан қўзғалди, мотор ўт олдн. Шундан сўнг, Гапочка тезлик билан ҳайдовчининг ённдан жой олдн.

— Қаерга!

— Ёзлик кўчасига-да, —оғир нафас олиб деди бақалоқ Гапочка,— шарифининг бир учн билан пешона ва бўйнн терларини арта турнб.

Улар Ёзлик кўчасига етиб келдилар.

— Қанча тўлашим керак!— сўрадн Гапочка.

— Бу нима деганингиз,—деди шофёр яна тўхтаб қолган машинасини юргазишга ҳаракат қилиб. — Фақат бир илтимос, машина яна ишламай қолдн, нтарнб юборинг!

Бечора Гапочка яна машинага ёпишиб унн нтара кетдн, мотор эса миқ этмасдн. Гапочка бўлса жон-жаҳдн билан машинанн нтарнб борар ва шу алфозда улар яна Малостранский майдонига келиб қолганларнни ҳам сезишмасдн. Машина моторининг ўт олишидан умиднн узган Гапочка жаҳл билан қўл силтаб Ёзлик кўчаси тарафга шаҳд билан қадам ташладн.

— Эшитсангизчи, — деб бақирдн унинг кетидан ҳайдовчи, — мен бу ерда эмас, Флорентийский кўчасида яшайман.

Гапочка бўлса унга қиё боқмадн, қайрилиб ҳам қарамадн, ҳайдовчи бўлса ранжиб:

— Мана бунн ношукурчилик дейдилар. Ахир мен унинг уйн остонасигача олиб борнб қўйсам-у у виждансиз бўлса, қаро тун қўйнида бир ўзимни йўл ўртасига ташлаб кетса-я.

Русчадан Ф. ҒАФУРОВ таржимаси.

Ҳажвия

Редактор Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ.

3 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

23 АПРЕЛЬ, 1985 й.

Мусиқий жаранглайди, жозибаси кўзни қувонтиради

БОШ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНДА

23-30 АПРЕЛЬ КУНЛАРИ

(2-қаватда).

БИЛЛУР ИДИШЛАР

САВДО-КЎРГАЗМАСИ ЎТКАЗИЛАДИ

СИЗ —САВДО-КЎРГАЗМАСИДАН ГУЛЛАР, КОНФЕТЛАР УЧУН ВАЗАЛАР, ЛАГАНЛАР, ПАТНУСЛАР, САЛАТДОНЛАР, ФУЖЕРЛАР, СТАКАНЛАРИ, РЮМКАЛАР

СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН!

ГУМ (телефон 42-27-39).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-24).

СССР Алоқа министрлигининг

ТОШКЕНТ АЛОҚА ПОЛИТЕХНИКУМИ

27 АПРЕЛЬ ВА 11 МАЙ СОАТ 14.30 ДАН БОШЛАБ

«ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ» ЎТКАЗАДИ

КУНДУЗГИ ЎРТА МАКТАБЛАРНИНГ 8 ВА 10-СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ ҲАМДА УЛАРНИНГ ОТА-ОНАЛАРИ ТАКЛИФ ҚИЛИНАДИ. ШУНИНГДЕК, АЛОҚА ПОЛИТЕХНИКУМИГА КИРИБ ЎҚИШНИ ХОҲЛАГАН ЎРТА МАЪЛУМОТЛИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҲАМ ТАКЛИФ ҚИЛИНАДИЛАР.

ТЕХНИКУМНИНГ ЛАБОРАТОРИЯЛАРИ, ХОНАЛАРИ, УСТАХОНАЛАРИ БИЛАН ТАНИШИШ НИЯТИДА БЎЛГАН ЎҚУВЧИЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 14 ДАН 16.00 ГАЧА ТЕХНИКУМГА ТАШРИФ БУЮРИШЛАРИ МУМКИН.

ҲАММА МАСАЛАЛАР БЎЙИЧА ЎҚУВ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ДИРЕКТОР ЎРИНБОСАРИ (телефон: 41-35-39)ГА ЎҚУВ КЎРПУСИНИНГ 3-ҚАВАТИДАГИ 208-ХОНАГА УЧРАШИЛСИН.

Мурожаат учун адрес: 700189, Тошкент шаҳри, 189-алоқа бўлими, У. Юсупов кўчаси, 70-уй (44, 48, 97-автобуслар; 10-троллейбуснинг «Лабзак»; 10, 23, 27-трамвайларнинг «Алоқа политехникуми» бекатлари).

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ШАҲАРДАГИ КИТОБ САВДОСИ ТАШКИЛОТЛАРИГА

бош бухгалтер, кичик сотувчилар (йигитлар ва қизлар).

ҲАМЗА РАЙОНИДАГИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА

слесарь-созловчилар, электромонтёрлар, автомашина ҳайдовчилари, автопогрузчик ҳайдовчилари, электропогрузчик ҳайдовчилари, безакчилар, ёрдамчи ишчилар.

Елғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»нинг
«ТАШИНЖСТРОЙ» ТРЕСТИГА

асфальтловчилар, экскаватор машинистлари, бульдозер машинистлари, автогрейдер машинистлари, автослесарлар, токарлар, фрезерчилар, темирчилар, йўл ишчилари, труба ётқизувчилар, пайвандчилар.

КУЙБИШЕВ РАЙОНИДАГИ КОНСТРУКТОРЛИК БЮРОСИГА

етакчи конструкторлар, катта инженерлар, инженерлар, катта техниклар, техниклар: конструкторлар, технологлар, экономистлар; катта рассомлар, слесарлар, токарлар, чархчилар, электр пайвандчилар, юкчилар, ёрдамчи ишчилар, сантехниклар, машинисткалар.

ҲАМЗА РАЙОНИДАГИ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИК ТАШКИЛОТЛАРИГА

катта бухгалтерлар, меҳнат бўйича инженер, инструктор-методист, диспетчер, кадрлар бўлими ходимлари.

КИРОВ РАЙОНИДАГИ ТАШКИЛОТЛАРИГА

ҳайдовчилар, юкчилар, слесарлар

СПРАВКАЛАР ВА ИШГА ИЎЛЛАНМА ОЛИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:

МАРКАЗИЙ ПУНКТ— Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.
ЛЕНИН РАЙОНИ ПУНКТИ —Т. Шевченко кўчаси, 64-уй;
ОКТЯБРЬ РАЙОН ПУНКТИ — У. Юсупов кўчаси, 3-уй;
ЧИЛОНЗОР РАЙОН ПУНКТИ— 2-квартал, 3-уй;
ҲАМЗА РАЙОН ПУНКТИ— М. Ҳасанова кўчаси, 10-уй;
КУЙБИШЕВ РАЙОН ПУНКТИ — К. Маркс кўчаси, 50-уй;
КИРОВ РАЙОН ПУНКТИ— Энгельс кўчаси, 48-уй;
СОБИР РАҲИМОВ РАЙОН ПУНКТИ —Қорасарой кўчаси 270-уй;
АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОН ПУНКТИ —Чилонзор массиви, 22- квартал, 13-уй;
СЕРГЕЛИ РАЙОН ПУНКТИ — 2-квартал, 69-уй.

Собир Раҳимов район давлат страхование инспекциясига қарашли 212-форма 954604, 954605, 954606, 954607 номерли йўқолган

КВИТАНЦИОН МАТЕРИАЛЛАР

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ҳамза район давлат страхование инспекциясига берилган 212-форма АЕ серия 971534—550 номерли, 203 «а» форма Г серия 342624 —625 номерли йўқолган

КВИТАНЦИОН МАТЕРИАЛЛАР

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг

43-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1985-86 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ПЎЛАТ ВА ТЕМИР-БЕТОН КОНСТРУКЦИЯЛАРИ МОНТАЖИ БЎЙИЧА МОНТАЖЧИ, ҒИШТ ТЕРУВЧИ, ДУРАДГОР, ЭЛЕКТР ПАЙВАНДЧИ (қўлда пайвандловчи), ГАЗ ПАЙВАНДЧИ, МИКРОСХЕМАЛАРНИ ИЙҒУВЧИ, БЎЁҚЧИ, СЛЕСАРЬ-САНТЕХНИК, ЭЛЕКТРОМОНТАЖЧИ.

8-синф ҳажмида маълумотлилар 3 йил, ўрта маълумотлилар эса 1 йил ўқийдилар.

СОВЕТ АРМИЯСИ САФИДА ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ЎТАБ ҚАЙТГАНЛАР УЧУН ЎҚИШ МУДДАТИ — 6 ОЙ.

БИЛИМ ЮРТИГА 8-10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртини битирганлар ўрта маълумот олганлиги ҳамда эгаллаган касби бўйича разряд берилганлиги тўғрисида диплом оладилар.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

МАШҒУЛОТЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

8-синф ҳажмида маълумот билан ўқишга кирганлар овқат, кийим-бош ва махсус кийим билан, ўрта маълумот билан кирганлар эса ҳар ойда 30 сўм миқдорида стипендия билан (ва корхона ҳисобидан 40 сўм ҳажмида қўшимча стипендия) таъминланадилар. Бундан ташқари ўқувчиларга ишлаб чиқариш практикаси даврида ишлаб топган меҳнат ҳақларининг 50 процента берилади.

Билим юртида касблар бўйича тўгараклар, ҳаваскорлик тўгараги, спорт секциялари мавжуд. Зарур бўлганларга санаторийлар ва дам олиш уйларига даволаниш учун бепул путёвкалар берилади.

Аълочи ўқувчилар учун билим юртида «В» ва «С» категорияли автомобиль ҳайдовчиларини тайёрлайдиган 6 ойлик курслар ҳамда мотоцикл ҳайдовчиларини тайёрлайдиган 3 ойлик курслар ташкил этилган.

Билим юртини имтиёзли диплом билан битирганлар олий ўқув юртларига ўқишга киришда ўрта мактабларни олтин медаль билан битирганлар ва ўрта махсус ўқув юртларини имтиёзли диплом билан битирганлар учун бериладиган имтиёзлардан фойдаланадилар.

8-синф ҳажмида маълумот билан билим юртига кирганлар учун ўқиш 1 сентябрда, Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ўрта маълумотлилар учун ўқиш группалар комплектлангандан сўнг бошланади.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт: билим юрти директори номига ёзилган ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, ёки паспорт, ҳарбий билет, турар жойидан справка, соғлиғи тўғрисида справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 3х4 см. ҳажмдаги 4 дона фотосурат.

АРИЗА ВА ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 9 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Юнусобод массиви, 7-квартал (25, 28, 29-трамвайларнинг сўнгги бекати).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

23 апрелдан бошлаб

ФАҚАТ 10 КУН

2 БЎЛИМДАН ИБОРАТ

КУЛГИ КЕЧАСИ

ПРОГРАММАДА масхарабозлик, реприз, интермедия, пародия, попурри, миниатюра, сатира ва юмор

ТОМОШАЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 19.30 ДА, ШАНБА КУНЛАРИ СОАТ 13, 16 ВА 19.00 ДА, ЯКШАНБА КУНЛАРИ СОАТ 12, 15 ВА 18.00 ДА БОШЛАНАДИ.

Олдиндан билет сотиш ташкил этилган.

КАССА СОАТ 10 ДАН 20.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.

Телефонлар: 44-35-91, 44-35-84.

Бутуниттифоқ «Мелодия» грампластинкалар фирмасининг

ЎЗБЕКИСТОН ГРАМПЛАСТИНКАЛАР УЙИ

25, 26, 27 апрель соат 10 дан 18.00 гача

СОВЕТ ХАЛҚИНИНГ ФАШИСТЛАР ГЕРМАНИЯСИ УСТИДАН ҚОЗОНГАН ҒАЛАБАСИНИНГ 40 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ГРАМПЛАСТИНКАЛАРНИНГ

САВДО-КЎРГАЗМАСИНИ ЎТКАЗАДИ

САВДО-КЎРГАЗМАСИДА «МЕЛОДИЯ» ФИРМАСИ ВА ЧЕТ ЭЛ ФИРМАЛАРИ МАҲСУЛОТИ БЎЛГАН ГРАМПЛАСТИКАЛАР НАМОЙИШ ҚИЛИНАДИ.

Савдо-кўргазмаси қуйидаги адресда ўтказилади: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 45-уй, Кооператорлар уйи.

25, 26 апрелда—КИРИШ БЕПУЛ.

27 апрелда — ФАҚАТ ТАКЛИФ БИЛЕТИ БИЛАН КИРИЛАДИ.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИ КЛИНИКАЛАРИНИНГ
МЕДИЦИНА БИЛИМ ЮРТИ

17 май соат 15.00 да

ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИНИ
ўтказади

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Медиклар шаҳарчаси, 6-ётоқхона (10, 34, 28э, 82, 100-автобуслар; 15-трамвайнинг «Медиклар шаҳарчаси» бекати).

МАРКАЗИЙ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНДА

«ГИЛАМЛАР ВА ГИЛАМДЎЗЛИК БУЮМЛАРИ»

ЯНГИ САЛОНИ ЧОРЛАЙДИ!

Марказий универсал магазин ёнидаги территорияда яқиндагина ана шу салон очилди. Савдо сатҳи 500 квадрат метрдан иборат бўлган бу кенг ва ёруғ салонда махсус тагликларда ва супачаларда ранг-баранг нақшин гулли ва размерли гиламлар ёзиб қўйилган.

Бу ерда бутун жаҳонга номи кетган Хива гиламлари сотувга қўйилган. Бу гиламларнинг мўйи қуюқ, ранги ранг-баранг, ўзининг ғоятда бақувватлиги ва чидамлилиги билан ажралиб туради.

Гиламларнинг бир олам мажмуасида Бельгия, ГДР, Англия, Вьетнам гиламлари ва полосларини ҳам кўриш мумкин.

Янги салонда харидорларга қулайлик яратиш мақсадида ҳамма нарса кўзда тутилган. Тажрибали сотувчи —консультантлар сизнинг квартирангиз ҳажми ва жиҳозлари, қандай тусдаги гулқоғоз билан қопланганлигига қараб монанд келадиган гилам ёки полосларни диққатингизга ҳавола қилишади.

Сиз янги гилам ёки полос сотиб олишингиз билан, уни уйингизга қандай олиб бориш ҳақида ташвиш тортмасангиз ҳам бўлади. «Ўзтрансэкспедиция» ходимлари ана шу ҳақда ғамхўрлик қилиб қўйишган ва харидингизни хонадонингизга етказиб беришади.

ГИЛАМЛАР ВА ГИЛАМДЎЗЛИК БУЮМЛАРИНИ СИЗ НАҚД ПУЛГА ВА КРЕДИТГА СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН!

«ГИЛАМЛАР ВА ГИЛАМДЎЗЛИК БУЮМЛАРИ» ЯНГИ САЛОНИ **соат 9.00 дан 20.00 гача ишлайди.**



ЦУМ (телефон 56-77-91).

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-27).

театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 23/IV да **Фидойилар**, 24/IV да **Жизель**, 25/IV да **Оловли фариштa**, 26/IV **Хореография билим юрти ўқувчиларининг концерти.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 23/IV да **Ўғрини қароқчи урди**, 24/IV да **Келинлар кўзғолони**, 25/IV да **Зебуннисо.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 24/IV да **Хотинимнинг эри**, 25/IV да **Узилган торлар**, 26/IV да **Тошболта ошиқ.**

цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 23/IV дан **бошлаб фақат 10 кун КУЛГИ КЕЧАСИ** (19.30).

кино

23 АПРЕЛДА БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ҒАЛАБА» — **Восток** (21.00; телефон 91-14-23). **Тинчлик** (17, 20.40), **Ҳамза номли** (19.00; телефон 91-10-51).

«ЁЛҒИЗ ВА ҚУРОЛСИЗ» — **Гуҳча** (17.30, 19. 21.00; телефон 42-02-22).

«МЕНИНГ НОМЗОДИМ» — **М. Шайхзода номли** (тоқ соатларда; телефон 42-39-74). **К. Ёрматов номли** (жуфт соатларда, телефон 24-22-66), **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда; телефон 53-65-37), **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-63-60).

«АЗИЗ, ҚАДРДОН, СЕВИМЛИ ТАНҲОГИНАМ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-41-83).

«ДЎСТИМ ИВАН ЛАПШИН» — **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59);

«ТАҚДИР СОҲИБИ» — **Санъат саройи** (катта зал 18.30, 20.45; кичик зал 17, 19.30; телефон 44-21-44), **Ватан** (18.30, 21.00), **Чайка** (18.30, 21.00; телефон 77-06-20). **Нукус** (18.30, 21.00; телефон 46-47-74).

«ДАЛА ҚЎРИҚЧИСИ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (18, 21.00; телефон 78-47-25);

«ҒИРТ ЕЛҒОНЧИ» — **М. Шайхзода номли** (11, 13.30, 16.30, 20.45; телефон 42-39-74). **Дружба** (18, 20.00; телефон 66-15-75).

24 АПРЕЛДА БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ҒАЛАБА» —**Тинчлик** (11, 14, 17, 20.00), **К. Ёрматов номли** (11, 14, 17, 20.00; телефон 24-22-66), **Ҳамза номли** (10, 13, 16, 19.00; телефон 91-10-51), **ВЛКСМ 30 йиллиги** (11, 14, 17, 20.00; телефон 33-41-83), **Лисунов номли** (11, 14, 17, 20.00; телефон 96-63-69).

«ДЎСТИМ ИВАН ЛАПШИН»— **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).

«ТАҚДИР ҲОКИМИ» — **Санъат саройи** (катта зал 11, 13.00, 16, 18.30, 20.45; кичик зал 12, 14.30, 17, 19.30; телефон 44-21-74), **Ватан** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00), **Чайка** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00; Телефон 77-06-20), **Нукус** (11, 13.30, 16, 18.30, 20.00; телефон 46-47-74), **Москва** (11, 13.30, 16, 18.30, 20.40; телефон 33-12-76).

«ДАЛА ҚЎРИҚЧИСИ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (12, 15, 18, 21.00; телефон 78-47-25).

«ҒИРТ ЕЛҒОНЧИ» — **М. Шайхзода номли** (11, 13.30, 16.30, 20.45; телефон 42-39-74), **Дружба** (11, 12, 14, 15, 18, 20.20; телефон 66-15-75).

ДИҚҚАТ!

ГЕНЕРАЛ ПЕТРОВ КЎЧАСИ — МАКСИМ ГОРЬКИЙ ПРОСПЕКТИ

чорраҳаларида трамвай йўли реконструкция қилиниши муносабати билан

24-25 АПРЕЛЬ КУНЛАРИ 3, 13, 22, 29-трамвай маршрутлари ҳаракати

ТЎХТАТИЛАДИ

6-маршрутдаги трамвай шу кунлари «ТТЗ-КРАСНОВОСТОЧНОЕ» ДЕПОСИ» оралиғида қатнайди.

23-маршрутдаги трамвай эса «ИШЧИЛАР ШАҲАРЧАСИ — ТошМИ» оралиғида қатнайди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси.

Тошкент Давлат педагогика институти ректорати, партия ва касаба союз ташкилотлари ҳамда мактабгача тарбия факультети коллективи доцент К. И. Исмоиловага онаси

Латофат ЗАДАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

ТВ

сешанба

23 АПРЕЛЬ

● МТ I

18.05 «Расмларда қуёш акси бор».
18.20 «Қўшиқ инсон билан қолади». «Дарё орти, олис қишлоқда».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Ишлар ва одамлар».
20.00 Воронеж Давлат рус халқ хорининг концерти.
20.30 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Ғалаба стратегияси». 11-фильм —«Европани озод қила бориб...» 1-қисм.
21.30 «Время».
22.00 Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. ЧССР — Канада терма командалари. ЧССРдан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (23.35)—«Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.45 «Ҳамдўстлик». Тележурнал.
19.15 Ритмик гимнастика.
19.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Ритм» операцияси». 1-кўрсатув.
21.15 М. В. Ломоносов номли МДУ халқ коллективининг фортепьяно класси қатнашчилари чалади.
21.30 «Время».
22.00 «Марҳабо». Эстрада кўрсатуви.

● УзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Атайлаб». Мультфильм.
18.25 «Инсон болаликдан бошланади».
19.00 «Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси ғолиблари ҳузурида».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Жасорат куйчиси». Муса Жалил.
20.30 «Ахборот».
20.50 Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати — Тошкент область Ҳамза номли музика мактаби скрипкачилар ансамблининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Ер — бизнинг бойлигимиз».
22.25 А. Абдуллин. «Ўн учинчи раис». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.

● УзТВ II

18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 «Жигулёвка бўйлаб саёҳат». Телефильм.
18.30 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Бурчга садоқат...»
19.00 «Ўз истеъдодингни топ». Телефильм.
19.20 Эстетика асослари. Ҳозирги замон буржуа реакцион эстетикаси ва санъати (рус.).
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 Ўқитувчи экрани. Мактабда бошланғич ҳарбий таълимни ўтказишда ўқув-моддий базасининг роли (рус.).
20.50 «Нодир дарахтзорда». Телефильм.
21.00 «Энг яхши тажриба — хўжаликни юритиш практикасига» (рус.).

чоршанба

24 АПРЕЛЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.50 «Ғалаба стратегияси». Кўп серияли телефильм. 11-фильм — «Европани озод қила бориб...» 1-қисм.
10.50 «Садоқат синови». Бадиий фильм.
12.40 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Тажрибада синаб кўрилган». Ҳужжатли фильмлар.
16.00 Концерт.
16.30 «Уч, тўрт...» Телефильм.
16.40 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар».
17.10 «Қувноқ стартлар».
17.55 «Парвозлар куни». Ҳужжатли фильм премьераси. «СССР Қуролли Кучлари» туркумидан.
18.15 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Бу йўлларни биз асло унутмаймиз». Поэзия. Н. Грибачёв.
18.40 «Дунё ва ёшлар».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Хушёрлик — ҳаёт нормаси».
20.15 Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. СССР — Швеция терма командалари. 2- ва 3-даврлар. ЧССРдан олиб кўрсатилади.
21.30 «Время».
22.00 Футбол. Кубок эгаларининг кубоги учун. Ярим финал. «Динамо» (Москва) — «Рапид» (Вена). Танаффус пайтида (22.45) — «Агар соғлом бўлай десанг».
24.00 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 Илмий-оммабоп фильм.
9.35, 10.35 Астрономия. 10-синф. Галактикалар.
10.05 «Қизил китоб» нималар ҳақида ҳикоя қилди». 2-кўрсатув.
11.05, 13.40 Немис тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
11.35, 12.40 Тарих. 9-синф.
12.05 «Онамларнинг мактаби».
13.10 География. 5-синф.
14.10 Д. Д. Шостакович.
14.55 «Ҳунар-техника билим юртларида нимага ва қандай қилиб ўргатишади». Тўқимачилик ишлаб чиқариши учун кадрлар тайёрлаш ҳақида.
15.25 «Қалбга яқин қўшиқлар».
15.55 «И. Мележ тақдири ва китоблари».
16.40 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар.
18.45 «Шахмат мактаби». Маҳорат сабоқлари.
19.15 В. Беллини. «Пуритане».
19.30 «Қишлоқ янгиликлари».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Ритм» операцияси». 2-кўрсатув.
21.15 Халқ куйлари.
21.30 «Время».
22.00 «Бизнинг истеъдодимиз». Уч серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия.
23.20 Арманистон ССР халқ артисти, Арманистон Давлат мукофотининг лауреати Л. Закарян куйлайди.

● УзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 «Катта зал ҳақида хотира». Бадиий ўқиш.
11.30 Физика. Атом тузилиши.
12.00 «Рассветга йўл. Телефильм.
12.30 Рус адабиёти. А. Фадеев. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари (рус.).
13.00 Янгиликлар.
18.00 Янгиликлар.
18.15 «Шоирлар — болаларга». Зафар Диёр.
18.45 Москвада бўладиган ёшлар ва студентларнинг XII Жаҳон фестивали олдидан. «Интернационал дўстлик клуби».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Халқ контроли экрани» (рус.).
20.15 «Экиш мавсуми кундалиги».
20.30 «Ахборот».
20.50 «Дутор ва танбур тароналари». Музикали программа.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.
22.15 Ўзбекистон халқ шоири Уйғуннинг ижодий кечаси.
23.45 Янгиликлар.

● УзТВ II

18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Ҳотира».
19.00 «Ота ўрмони». Телефильм.
19.15 «Барҳаёт қўнғироқлар». Адабий композиция.
19.45 «Боғ дурдоналари». Телефильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Амалда синаб кўрилган», «Ворислар». Телефильмлар.
21.00 «Ягона сиёсий кун: муаммолар, саволлар ва жавоблар» (рус.).

---

4 ТОШКЕНТ ВЕТ. ОҚШОМИ

23 АПРЕЛЬ, 1985 й.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)

—орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и Ташгорсовета.

(Газета бир йилда 300 марта чиқади).

БИЗНИНГ АДРЕС:

700047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 33-08-74; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; Совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари— 32-55-32; хатлар — 33-29- 70; эълонлар бўлими— 33-81-42.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р—09210. **Индекс 64690.** **1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.**